

<b>Мавзу</b>	<b>Кесиш жараёнида ҳосил бўлувчи кучлар ва кучлар миқдорига таъсир этувчи факторларни ўрганиш</b>
--------------	---

### 1.1. Таълим бериш технологиясининг модели

<b>Машғулот вақти - 2 соат</b>	<b>Талабалар сони: 30 – 60 гача</b>	
<b>Машғулот шакли</b>	<b>Лаборатория</b>	
<b>Лаборатория режаси</b>	1. Заготовканинг кесишга қаршилиги. 2. Кескичга таъсир этувчи кучлар.	
<b>Ўқув машғулотининг мақсади:</b> Талабаларда материалларнинг кесишга қаршилиги, кескичга таъсир этувчи кучлар тўғрисида билимларни шакллантириш.		
<b>Педагогик вазифалар:</b>	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b>	
<ul style="list-style-type: none"> <li>• Заготовканинг кесишга қаршилиги ҳақида маълумот беради.</li> <li>• Кескичга таъсир этувчи кучлар билан таништиради</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Заготовканинг кесишга қаршилиги ҳақида маълумотлар оладилар.</li> <li>• Кескичга таъсир этувчи кучлар билан танишадилар.</li> </ul>	
<b>Таълим бериш усуллари</b>	Кўргазмали лаборатория машғулоту, «Фикрларнинг шиддатли хужуми» методи	
<b>Таълим бериш шакллари</b>	Оммавий, жамоавий	
<b>Таълим бериш воситалари</b>	Ўқув қўлланма, проектор	
<b>Таълим бериш шароити</b>	ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория	
<b>Мониторинг ва баҳолаш</b>	Оғзаки назорат: савол-жавоб	

**1.2. «Кесиш жараёнида ҳосил бўлувчи кучлар ва кучлар микдорига таъсир этувчи факторларни ўрганиш» лаборатория машғулотининг технологик харитаси**

<i><b>Иш босқичлари ва вақти</b></i>	<i><b>Фаолият мазмуни</b></i>	
	<i><b>Таълим берувчи</b></i>	<i><b>Таълим олувчилар</b></i>
Тайёргарлик босқичи.	1. Мавзу бўйича ўқув мазмунини тайёрлаш. 2. Лаборатория машғулоти учун тақдимот слайдаларини тайёрлаш. 3. Мавзунинг ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини тайёрлаб қўйиш.	
1. Мавзуга кириш (10 дақиқа)	1.1. Лаборатория машғулоти мавзуси эълон қилади ва мавзу режаси билан таништиради. (1-илова) 1.2. Мавзуга оид фойдаланиш мумкин бўлган адабиётлар рўйхатини намойиш қилади. (2-илова) 1.3. Билимларни фаоллаштириш жараёнида фаол иштирок этишган талабаларни баҳолаш учун баҳолаш мезонлари билан таништиради. (3-илова)	<b>Тинглайдилар ва ёзадилар. Тинглайдилар ва ёзадилар. Тинглайдилар ва ёзадилар.</b>
2-босқич Асосий босқич (60 дақиқа)	2.1. Заготовканинг кесишга қаршилиги ҳақида тушунчаларни акс эттирувчи Power Point дастури ёрдамида слайдларни намойиш қилади ва изоҳлаб, тушунтириб беради (4-илова)	<b>Тинглайдилар, ёзадилар.</b>
	2.2. Кескичга таъсир этувчи кучлар тўғрисида маълумотларни ёритиб берувчи слайдлар намойиши орқали маълумотлар беради. (5-илова)	<b>Тинглайдилар, ёзадилар.</b>
	2.3. Талабалар билимларини фаоллаштириш ва мустақамлаш мақсадида берилган саволларни ёритишда «Кичик гуруҳларда ишлаш» орқали амалга оширилишини эълон қилади. «Фикрларнинг шиддатли хужуми» методидан фойдаланган ҳолда гуруҳларга топшириқлар беради. Ҳар бир гуруҳ берилган саволларга жавоб бериб тақдимотни ўтказишга ёрдам беради, билимларини умумлаштиради, хулосаларга алоҳида эътибор беради. Топшириқларнинг бажарилишини қай даражада тўғри эканлигини диққат билан тинглайди Фикрларини тинглаб, умумлаштиради. (6-илова)	<b>Талабалар берилган саволларга жавоб берадилар.</b>
3. Якуний босқич (10 дақиқа)	3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, якунловчи хулоса қилади 3.2. Мустақил таълим учун “Кесиш тезлигига таъсир этувчи кучлар” мавзусини тақдим этади ва мазкур ўқув материални ўрганиб келиш вазифасини беради.	<b>Саволлар берадилар.  Вазифани ёзиб оладилар.</b>